Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 15 июль, пайшанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 57-58 (7151)

Da`vat

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар, Билим қайда бўлса, буюклик бўлар.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Ibrat

Пискент туманидаги Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги бошқаруви ўз ҳудудидаги бир неча йиллардан буён ишламасдан таъмирталаб бўлган болалар боғчасини тўлиқ таъмирдан чиқарди ва 60 нафардан зиёд болалар тарбиялана бошланган мазкур масканни туман халқ таълими бўлими ихтиёрига топширди.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида 13 июль куни суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуининг мажлиси бўлди.

• Хоразм вилояти фаоллари йиғилишида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ярим йиллик якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида»ги қарорининг ижроси муҳокама этилди.

• Япония ҳукумати Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган жаҳон маданияти ёдгорликларини таъмирлаш ва уларни авайлаб асраш билан боғлиқ ишларни давом эттириш учун Япония траст жамғармаси ҳамда ЮНЕСКО ор-қали бир неча миллион долларлик маблағ ажратишга қарор қилди.

• Франция мамлакат миллий байрами – Бастилия ишғол қилинган кун нишонланмоқда.

• Кишинёвда Молдова Президенти Петру Лучински ва Тирасполь маъмурияти раҳбари Игор Смирнов ўртасида ўтказилган музокараларда томонлар Днестрбўйининг мақоми бўйича бир фикрга кела олмадилар.

• Фаластин раҳбари Ёсир Арафот қисқа муддатли ташриф билан Литвага келди.

1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида Низом

2-,3-,4-,5-, 6-,7-бетлар

ЛИЦЕЙ ВА КОЛЛЕЖЛАР ҚУРИЛИШИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСИН

Республика Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасида бўлиб ўтган кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда Андижон вилоятига қилган сафари, хусусан, ўқув юртлари қурилиши қандай бораётгани ва сифати билан танишганидан сўнг берган топшириклари асосида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши масалалари кўриб чиқилди.

Президент топшириқлари ва тавсияларини бажариш юзасидан шошилинч чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилган бу кенгашга маҳаллий бошқарув органлари, қурилиш, лойиҳа ташкилотлари, бу иншоотларнинг буюртмачилари, таълим тизими вазирликлари ҳамда идораларнинг, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг, Молия вазирлигининг, Ўзбекистонда коллежлар ва лицейлар қурилиши дастурини бажариш билан машғул бўлган бошқа муассасаларнинг раҳбарлари таклиф этилди.

Кенгашни Бош вазир ўринбосари А.Исаев бошқарди.

Мамлакатимиз раҳбарининг топшириқларига мувофиқ, Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур талабларини ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими иншоотлари қурилишига доир ишлар қандай бажарилаётганини чуқур таҳлил этиш зарурлиги таъкидланди.

Қурилишда мамлакатимиз меъморчилиги ютуқларидан, бой миллий, маданий анъаналаридан иложи борича тўла фойдаланиш долзарб вазифалардандир. Биноларнинг хоналари оқилона режалаштирилишига, дизайни ва қулайлигига, иншоотларнинг олд томони ва хоналарни безатишга, атрофини обод қилишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган бинокорлик материалларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, ортиқча харажатларни тугатиш, иш сифати устидан доимий муаллифлик ва техник назоратни таъминлаш лозим. Кенгашда аниқланган камчиликларни тугатиш йўллари батафсил кўриб чиқилди. Лойиҳа институтларига ўн кун ичида лицей ва коллежларнинг ҳозирги вақтда фойдаланилаётган 34 та базавий лойиҳасини қайтадан пухта кўриб чиқиш, уларга тегишли ўзгаришлар киритиш топширилди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

(ЎзА)



КЕЛАЖАККА МУНОСАБАТ

Тошкент вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли Ризамат Мусамуҳамедов номидаги Тошкент «Агро-Бизнес» коллежи қурилиши айни кунларда жадал суръатларда давом этмоқда.

Биз ушбу жумлаларни ўқир экан-миз, кўнглимизга бир илиқлик сирғалиб киради. «...коллеж қурилиши...» — бу дегани, коллеж қурилиши, эртанги кунга, эртанги авлодга бўлган муносабат дегани-ку!

Тўлқин СИДДИҚОВ

Суратда:

1. Коллеж қурилишидан лавҳа.
2. Коллеж қурувчилари С.Аблоқулов, Ш.Ҳамдамов.

Д.Аҳмад олган суратлар.

Ўқитувчи ёш дафтарига

ЭНГ ЙИРИК ШАҲАР

Мутахассислар дунёдаги энг йирик шаҳар Мехико эканлигига амин бўлишди. Мазкур азим шаҳар аҳолиси сони 20 миллиондан ошиқдир. Аҳоли сони кўплиги жиҳатидан дунёда Токио шаҳри иккинчи (18 миллиондан зиёд), Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳри учинчи (17,4 миллион) ўринни эгаллаб турибди.

ҲИД БИЛАДИГАН МАШИНА

Японияннинг автомобилсозлик фирмаларидан бирида яратилган бу машинага ўғирлаб кетиш мумкин бўлмаган улов сифатида қаралмоқда. Боиси, автомашина салонига ҳидни аниқлайдиган мослама ўрнатилган бўлиб, мазкур мослама ҳайдовчининг пуфлаган нафаси ўз соҳибиникига мос келсагина моторни ўт олдиради.

ҒИШТ УЧУН ЕЛИМ

Голландиялик мутахассислар томонидан яратилган янги елим қурилиш ишларида жуда қўл келмоқда. Ғиштни цементга қараганда ўта мустаҳкам ушлайдиган бу елим ғишт терувчилар ишини ҳам енгиллаштирмоқда. Чунки, эндиликда ғиштлар оралиғига бир сантиметрдан кам бўлмаган цемент эмас, атиги 2 миллиметр қалинликда елим ёйиб чиқилса, кифоя.

СУВАРАК ВА БОДРИНГ

Америкалик кимёгар-ўқитувчи Клифф Мелоэннинг аниқлашича, бодринг пўстлоғи ва лавр япроғи таркибида суваракларга ёқмайдиган модда мавжуд бўлиб, улар бор жойга суваракларнинг умуман яқинлашмас экан. Бу маҳсулотлар суваракларга қарши дори тайёрлашда асқотиши мумкин деб ҳисобламоқда олим.

ИНТИЛИШЛАР МЕВАСИ

Ta`limda marketing

Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларида маркетинг хизматини самарали ташкил этиш юзасидан вилоят амалий семинари бўлиб ўтди. Семинарда таълим муассасалари томонидан ташкил этилган маиший ҳамда таълим хизматлари кўрсатиш ва ишлаб чиқариш фаолиятлари яхши йўлга қўйилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Биргина ўтган 1998 йилда вилоят бўйича 17555000 сўм даромад олинганлиги ҳам бундан далолатдир. Айниқса, маркетинг хизматлари ибратли ташкил этилган туман ва ҳудудларда бу кўрсаткичлар юқори: Ургут тумани 4000000 сўм, Самарқанд тумани 462000 сўм, Жомбой тумани 2532000 сўм даромад билан ўтган йилни якунлаганди. Тадбиркор раҳбар ва уюшқоқ жамоалар меҳнат қилаётган Ургут туманидаги 28-мактаб 1500000 сўм, Тайлоқ туманидаги 42-мактаб 250000 сўм, 41-мактаб 196000 сўмдан даромад олганлиги таълим-муассасаларининг яна бир муҳим имкон қирасини намоён этди.

Аввалги амалий семинарларда Каттақўрғон шаҳар, Қўшработ, Нуробод туманлари ХТБларига билдирилган танқидий фикрлар бугунга келиб ушбу жойларда ҳам амалий ишлар жадаллашувига олиб келди.

Динора НУРИДДИНОВА

МАКТАБ БОЗОРИГА МАРҲАМАТ

Jarayon

Яккасарой туманидаги 127-мактабда жорий таъмир барвақт тугалланди. Барча синфхоналарда стулва парталар созланиб, бўёқдан чиқарилди. Бу билан янги ўқув йилига тайёргарлик ниҳоясига етмайди. Ишнинг кўзини билган ўқитувчилар ота-оналар иштирокида синфхоналарни жиҳозлашга эътиборни қаратишяпти. Ўқитувчилардан Роза Рўзметова, Ражаббиби Сапаева, Ҳожинисо Қорабоева ва Фотимахон Қамбаровалар эса синфхоналарда ҳар хил гуллар ўстиришяпти.

— Бу – янги ўқув йили бошида ўғил-қизларга ўзига хос совға бўлади, яъни улар «Яшил табиат» бағрида сабоқ оладилар, дейишяпти гулсевар ўқитувчилар.

Ўқувчилар пухта билимга эга бўлишлари учун эса дарслик ва ўқув қўлланмалари зарур бўлади. Айни кунда мактаб кутубхоначиси Римма Раҳматулина кутубхонанинг методик жиҳатдан таъминланишига катта эътибор бермоқда. Яқинда Римма опанинг ташаббуси билан мактабда дарсликлар сотуви йўлга қўйилди.

— Менга бу каби ишларда мактаб раҳбари Рафиқа Одилова, «Ўзбекистон» нашриёти ходимаси Мавлуда Хўжамқулова, мактабнинг техник ходими Мукамбар Эшматовалар яқиндан ёрдам беришяпти, — деди у мамнунлик билан. — Ҳозир сотувга 17 номда ўзбек тилидаги, 10 номда эса рус тилидаги дарслик ва ўқув қўлланмаларини чиқардик. Мактаб бозори очилгани ҳақида яқин атрофдаги аҳолига маҳаллий видео телевидение орқали эълон бердик. Айни кунда ўқувчилар мактабга гуруҳ-гуруҳ бўлиб ташриф буюришмоқда. Қувонарлиси, бундай мактаб бозорлари қўшни мактаблардаям ташкил этилаётганидир. Муҳими, мактаб бозори хизматидан ота-оналар ҳам мамнун бўлишаётир.

Фотима БЕКБОЕВА

ТОЖИКИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ

Қардош Тожикистон халқи бошига тушган ташвишли кунларда Ўзбекистон халқи қараб турмади. 12 июль куни табиий офатдан зарар кўрган Тожикистоннинг Ленинобод вилояти аҳолисига мурувват ёрдами кўрсатиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус Фармойиши эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги зудлик билан қурилиш ашёларидан иборат инсонпарварлик ёрдами ҳозирлади. Тошкент вилоятининг қурилиш саноати корхоналари маҳсулотлари – Бекобод цемент комбинатидан 201 тонна цемент, Оҳангарон шифер ишлаб чиқариш акционерлик жамиятидан 47 минг шифер, Ғазалкент ойна комбинатидан 3171 кв. метр ойна, Оҳангарон ғишт заводидан 40 минг дона ғишт – жами етти вагон қурилиш материаллари Хўжанд шаҳрига етказиб келинди. 13 июль куни Ленинобод вилояти ҳукумати ва вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари инсонпарварлик ёрдамини қабул қилиб олди.

Хўжанд темир йўл вокзалида бўлиб ўтган инсонпарварлик ёрдамини топшириш маросими қардошлик ва дўстлик митингига айланиб кетди. Тўпланганлар Ўзбекистон халқи жўнатган ёрдамни азалий дўстлик ва қардошлик алоқаларининг яна бир ифодаси сифатида қабул қилдилар. Дўст кулфатда билинади, деган мақол маросимда ўзбек ва тожик тилларида қайта-қайта такрорланди.

Беғараз инсонпарварлик ёрдамини қабул қилиб олар экан, Ленинобод вилоят ҳукумати раисининг ўринбосари М.Исломиддинов Ўзбекистон халқи – бошига ташвиш тушган тожик қардошига – яна биринчи бўлиб ёрдамга етиб келаётганини таъкидлади. Фалокат оқибатларини тугатиш ишлари асосан ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистондан келган қурилиш ашёлари эса ишни кенг кўламда давом эттиришда катта кўмак бўлади.

Фалокатдан зиён кўрган қишлоқларга озиқ-овқат ва бошқа зарур анжомлар ҳозирча асосан вертолётларда етказиб берилмоқда. Лекин бугунги кунининг энг муҳим вазифаси аҳолини қишгача уй-жой билан таъминлашдан иборат. Шу боисдан ҳам Ўзбекистондан келган қурилиш ашёлари бизга ҳозир ҳар нарсадан муҳимроқдир, дейишди тожикистонлик биродарларимиз.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари А.Саидов Ўзбекистон халқи ўз қардошларини ҳеч қачон кулфатда ёлғиз ташлаб қўймаслигини таъкидлади. Бу Ўзбекистон халқининг, унинг Президентининг доимий ва ўзгармас сиёсатидир.

(ЎзА)

1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида Низом

7-,8-бетлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ БАКАЛАВРИАТИГА ТАЛАБАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига Қабул тўғрисида низомларни тасдиқлаш ҳақида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, таълим тизимидаги ислоҳотларга мувофиқ 1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратурасига ҳамда ўрта махсус таълим муассасаларига қабулни уюшқоқлик ва тартибли равишда ташкил этиш, қобилиятли ёшларни адолатли танлов асосида саралашни амалга ошириш, шунингдек, тест синовларининг юқори даражада ўтказилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ***қарор қилади****:*

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида Низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида Низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасалари бўлган вазирликлар, идоралар, Давлат тест маркази, Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасдиқланган низомларни бажариш бўйича зарур ташкилий тадбирларни амалга оширсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия ва Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида Низом»ни ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига киритсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 июлдаги 320-ф-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С.Кароматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири
Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 12 июль

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Олий таълим муассасалари қабулни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида қабул квоталарига мувофиқ амалга оширадилар.

2. Республика олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларига қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам тўлов -контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

Танлов ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича таълим йўналишлари, ўқитиш тиллари ва шаклларига кўра алоҳида ўтказилади.

Тест синовларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази амалга оширади. Тест синовларини ўтказишга масъул бўлган Давлат тест маркази вакиллари Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда олий таълим муассасалари ректорлари жойларда тест синовларини ўтказиш учун зарур шароитларни таъминлайдилар.

3. Тест синовлари уч тилда — ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида ўтказилади.

Олий таълим муассасасида таълим йўналишлари бўйича ўқитиш тили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган қабул кўрсаткичлари доирасида ҳужжатлар қабул қилинишига қадар вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Абитуриент тест синовларини олий таълим муассасасида ўқийдиган тилда топширади.

Таълим йўналишлари бўйича тест синовларининг тегишли фанлар мажмуаси белгиланади (1-илова).

Олий таълимнинг айрим йўналишлари бўйича тест синовлари билан бир қаторда қўшимча касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилади (2-илова).

4. Айрим таълим йўналишлари бўйича ўқитиш тожик, қозоқ ёки туркман тилларида олиб бориладиган олий таълим муассасаларига қабул кўп балли тизим бўйича касбий имтиҳонлар ва тест синовлари асосида амалга оширилади (3-илова). Ушбу таълим йўналишларига аризалар ўрта мактабни фақат кўрсатилган тилларда тугатган абитуриентлардан қабул қилинади.

5. Ўрта мактабда испан (араб, форс, дари, ҳинд, урду, хитой, корейс, уйғур) тилини чет тили сифатида ўқиган абитуриентлар, мазкур тилдан кўп балли баҳо тизими бўйича имтиҳон топширадилар, қолган фанлар бўйича эса тест синовларидан ўтадилар.

Мазкур қоида роман-герман филологияси (инглиз, немис ва француз филологияси) йўналиши бўйича ўқишга кирадиган абитуриентларга нисбатан қўлланилмайди.

6. Олий таълим муассасаларида касбий (ижодий) ва кўп балли имтиҳонларни ўтказиш 4 ва 5-иловаларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Олий таълим муассасаларига кўзи ожиз абитуриентларни қабул қилиш 6-иловада белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Республика тиббиёт олий таълим муассасалари қошида ташкил этилган 3 йиллик «Олий малакали ҳамшира » таълим йўналишига қабул ўрта махсус тиббий маълумот (ҳамширалик, акушерлик иши ва фельдшерлик) негизида амалдаги тартиб-қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Мазкур йўналиш абитуриентлари касбий имтиҳон билан биргаликда бошқа белгиланган фанлар бўйича тест синовларидан ўтадилар.

9. Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган республика корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун давлат грантлари ҳисобидан мутахассисларни мақсадли тайёрлаш шартнома асосида амалга оширилади.

Мутахассисларни шартнома асосида мақсадли тайёрлаш йўналишлари ва тегишли квоталар давлат эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда вазирликлар томонидан аниқланади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

10. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) фуқароларини Ўзбекистон олий таълим муассасаларига ўқиш учун қабул қилиш, шунингдек, республика фуқароларини МДҲ мамлакатларига ўқишга жўнатиш давлатлараро шартномалар ва Давлат комиссиясининг тегишли қарорига асосан амалга оширилади.

ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

11. Олий таълим муассасаларига хорижий фуқароларни қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқароларни ўқитиш тўғрисида» 1994 йил 24 майдаги 266-сон қарорига ҳамда ҳукуматлараро битимларга мувофиқ ёки Давлат комиссиясининг розилиги билан тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Хорижий фуқароларнинг олий таълим муассасаларида ўқиши учун тўлов миқдори Олий таълим вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

12. Олий таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ олий таълим муассасаларида ўқишга қабулни сифатли ташкил этиш мақсадида қабул комиссиялари ташкил этилади.

Абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризалари қабул комиссиялари томонидан 20 июндан 20 июлгача (шу куни ҳам), Маданият ишлари вазирлиги ва Бадиий академия олий таълим муассасаларида эса 20 июндан 10 июлгача қабул қилинади.

Абитуриент ўқишга кириш чоғида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

таълим йўналиши, ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза;

ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

№086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;

3х4 см ҳажмдаги 6 та фотосурат;

Танловдан ташқари ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақалар ғолиблари асл нусхадаги тасдиқловчи ҳужжатларни топширадилар.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмларнинг ўқишга юбориш ҳақидаги тавсияномаларига эга бўлган абитуриентлар ҳам уларни олий таълим муассасалари қабул комиссиясига тақдим этадилар. Ҳарбий қисм тавсияномасини олиш тартиби ва унинг шакли Мудофаа вазирлиги ва Олий таълим вазирлигининг йўриқ хати билан белгиланади.

Абитуриент томонидан паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат ҳам шахсан кўрсатилади.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлганда қабул комиссияси абитуриентнинг ҳужжатларини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

Ҳужжатлар қабул қилишнинг белгиланган муддатлари тугагандан сўнг ҳужжатларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш қатъиян ман қилинади.

Олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари 21 июлга қадар бўлган муддатда Давлат комиссиясига ва Давлат тест марказига таълим йўналиши, ўқув шакли ва тили кўрсатилган ҳолда, абитуриентларнинг (шу жумладан, юқорида қайд этилган тоифалари) сони ҳақида белгиланган шаклдаги маълумотни тақдим этадилар.

КАСБИЙ (ИЖОДИЙ) ИМТИҲОНЛАР

13. Касбий (ижодий) имтиҳонлар тест синовлари ўтказилишига қадар 11 июлдан 25 июлгача, тест мажмуаларида фаннинг ўрнига қараб унинг учун назарда тутилган энг кўп баллнинг 0 дан 100 фоизигача бўлган оралиқда ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича амалга оширилади.

Касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари бўйича тушган норозилик (апелляция) аризалари, Олий таълим вазирлиги белгилаган тартибда, олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан 26 июлга қадар бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари Давлат комиссиясига олий таълим муассасалари томонидан 27 июлгача тақдим этилади.

Касбий (ижодий) имтиҳонларнинг натижалари ҳақидаги маълумотлар белгиланган шакллар бўйича олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан Давлат тест марказига тақдим этилади:

кундузги бўлимлар учун — 1 августда;

сиртқи бўлимлар учун — 11 августда.

ТЕСТ СИНОВЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ

14. Тест синовлари:

кундузги бўлимларда — 1 августда;

сиртқи бўлимларда — 11 августда ўтказилади.

15. Олий таълим муассасасида танланган таълим йўналишига қараб абитуриентлар 1 ва 2- иловаларга мувофиқ икки ёки уч фан мажмуалари бўйича тест синовларидан ўтадилар.

Тест топшириқлари ўрта умумтаълим мактаблари ўқув дастурларига мувофиқ тузилади.

16. Мажмуанинг ҳар бир фани 36 топшириқни ўз ичига олади.

Қуйидаги вақт меъёрлари белгиланади:

а) 72 саволга — 2 соат;

б) 108 саволга — 3 соат.

Мажмуалар қуйидаги фанлар бўйича шаклланади:

1. Она тили: ўзбек тили ва адабиёти
2. Она тили: рус тили ва адабиёти
3. Она тили: қорақалпоқ тили ва адабиёти
4. Иккинчи тил: ўзбек тили ва адабиёти
5. Иккинчи тил: рус тили ва адабиёти
6. Иккинчи тил: қорақалпоқ тили ва адабиёти
7. Математика
8. Физика
9. Кимё
10. Биология
11. Тарих
12. География
13. Чет тили: инглиз
14. Чет тили: немис
15. Чет тили: француз

Тест синовлари бошланишига қадар, 30 дақиқагача тушунтириш ишлари ўтказилади, бу вақт тест ўтказиш учун ажратилган вақт меъёрига кирмайди.

Тест синовларини ташкил этиш ва уларни жойларда адолатли ўтказиш масъулияти, тест синовлари қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда, Давлат тест маркази вакиллари, қабул комиссиялари раислари, ҳокимликлар ва улар томонидан тайинланадиган аудиторияларнинг раҳбарларига юкланади.

Тест синови ўтган хонада синовнинг меъёрий қоидалар талабларига қатъий риоя этилган тарзда ҳалол ва адолатли ўтказилишини таъминлаш бўйича шахсий масъулият аудитория раҳбари ва кузатувчиси зиммасига юкланади.

Тест синови эрталаб соат 8 дан 30 дақиқа ўтганда бошланади.

Жавоблар варақаси абитуриент томонидан ҳаво ранг пастаси бўлган шарикли ручка билан тўлдирилади.

Жавоблар варақасини тўлдиришга тест синови учун белгиланган вақт меъёридан ортиқча 20 дақиқа ажратилади.

Жавоблар варақаси тўғри тўлдирилиши учун абитуриент шахсан жавобгардир. Қабул қоидалари бўйича тегишли доирачаларни нотўғри белгилаган абитуриентлар эътирози кўриб чиқилмайди.

Тест қоидаларини қўпол равишда бузган абитуриент таълим муассасасида ўқишга нолойиқ саналиб синовдан четлатилади.

Белгиланган вақтда тест синовларига келмаган абитуриентлар учун қўшимча тест синовлари ўтказилмайди.

АБИТУРИЕНТЛАРНИ ТЎЛОВ-КОНТРАКТ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ЎҚИШ УЧУН ТЎЛОВ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРИ

17. Абитуриентларни тўлов-контракт асосида қабул қилиш Вазирлар Маҳкамаси белгилаган қабул квоталари доирасида ягона қабул қоидалари асосида тест синовларининг баллар рейтинги бўйича Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади.

Давлат комиссияси томонидан абитуриентларни тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин олий таълим муассасаси билан юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида белгиланган тартибда контрактлар расмийлаштирилади.

Белгиланган намунадаги контракт бланклари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан тест натижалари эълон қилинган кундан бошлаб берилади ва юридик шахслар учун раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланган ҳолда 3 нусхада, жисмоний шахслар учун 2 нусхада расмийлаштирилади.

Давлат комиссияси томонидан тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган абитуриентлар учун тўлов контрактга мувофиқ ўқишга сарфланадиган харажатлар қийматини ҳар йили контракт шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

Ўқиш учун тўлов-контракт асосида ўринлар квотасини ажратиш тартиби, контракт шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари, уларнинг амалга оширилиши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва Давлат комиссиясида тасдиқланган тегишли Низом билан тартибга солинади.

ХАЛҚАРО ВА РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАЛАРИ, ТАНЛОВЛАРИ ВА МУСОБАҚАЛАРИ ҒОЛИБЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида» 1993 йил 5 февралдаги Фармонига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги 157-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари бўлган мактаб ва билим юртлари ўқувчиларини рағбатлантириш тартиби асосида Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Давлат спорт қўмитаси томонидан ўтказилган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари ҳамда Халқ таълими вазирлигининг гувоҳномасини олганлар Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларининг мос таълим йўналишларига танловдан ташқари тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисида» 1999 йил 10 июндаги Фармонига мувофиқ Зулфия номидаги давлат мукофотлари соҳибалари бўлган мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари мос таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига танловдан ташқари тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз қабул қилинадилар.

Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тегишли вазирлик, идоралар томонидан ҳар йили ўтказиладиган педагогика ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари ва таълим муассасалари тарбиячиларининг «Тарбиячи» республика танлови ғолиби, тиббиёт муассасалари ҳамшираларининг «Ҳамшира» республика танлови ғолиби, Бадиий академиянинг тасвирий санъат бўйича республика танлови ғолиблари мазкур вазирликлар тақдимномаларига мувофиқ Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларига танловдан ташқари тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз қабул қилинадилар.

Республика мактаб олимпиадаси фани билан олий таълимнинг йўналиши ўртасидаги касбий мувофиқлик Олий таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг тақдимномаларига кўра Давлат комиссияси томонидан белгиланади (7-илова).

Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари олимпиадалар, танловлар ва мусобақалар ғолибларининг аризалари ҳақидаги маълумотларни, таълим йўналиши, ўқув шакли ва тили кўрсатилган ҳолда, Давлат комиссияси ва Давлат тест марказига 22 июлгача бўлган муддатда тақдим этадилар.

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАГАН АБИТУРИЕНТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида» 1994 йил 3 октябрдаги 496-сон қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар тавсияномасига эга бўлган абитуриентларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда, тест синовларида улар тўплаган балларга энг кўп тўпланиши мумкин бўлган баллар миқдорининг 10 фоизини қўшиш имтиёзи берилади.

Олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари ушбу тоифага кирувчи абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни таълим йўналиши, ўқув шакли ва тили кўрсатилган ҳолда белгиланган шакллар бўйича Давлат комиссиясига ва Давлат тест марказига тақдим этадилар:

кундузги бўлимлар учун — 1 августда;

сиртқи бўлимлар учун — 11 августда.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

20. Давлат комиссиясининг абитуриентларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш тўғрисидаги қарори 15 августдан кечикмай қабул қилинади ва у олий таълим муассасаларида 20 августга қадар абитуриентларни давлат грантлари бўйича талабалар сафига қабул қилиш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштириши учун асос бўлади.

Тўлов-контракт асосида ўқишга кирувчи абитуриентларни қабул қилиш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ўқиш учун контрактда белгиланган маблағ миқдори, белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг, 15 сентябрдан кечиктирилмай, олий таълим муассасасининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кирувчилар учун таълим йўналишлари рўйхати ва тест бўйича уларга мувофиқ келувчи фанлар мажмуаси

Код (*)	Таълим йўналишлари	Тест синови ўтказиладиган фанлар мажмуаси	Балл
Х001	Математика; Амалий математика ва информатика; Математика ва информатика; Механика; Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши; Транспорт ва гидротехник иншоотлар қурилиши; Инженерлик тармоқлари қурилиши; Қурилиш ишлаб чиқариши технологияси; Шаҳар қурилиши ва хўжалиги; Авиасозлик ва космик техника; Авиа ва космик техникадан фойдаланиш; Енгил саноат маҳсулотлари технологияси; Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси; Атроф-муҳит муҳофазаси; Ҳаётий фаолият хавфсизлиги; Агроинженерия; Ўрмончилик; Фермер хўжалиги ташкили ва техникавий сервиси; Ер тузиш ва ер кадастри; Сув хўжалиги ва мелиорация; Гидроинженерия; Почта хизмати	Математика Физика Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х054	Геология; Кончилик; Геодезия ва картография; Фойдали қазилмалар геологияси ва қидирув ишлари	Математика Физика Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х056	Ер усти транспорт тизимлари; Транспорт воситаларидан фойдаланиш; Технологик машиналар ва жиҳозлар; Машинасозлик технологияси, машинасозлик жиҳозлари ва автоматлаш	Математика Физика Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х040	Иссиқлик энергетикаси; Электротехника, электромеханика ва электротехнология; Электроэнергетика; Гидроэнергетика; Энергомашинасозлик; Кончилик электромеханикаси; Энергия тежаш электротехник тизимлари ва мажмуалари; Қишлоқ ва сув хўжалиги энергетикаси	Математика Физика Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х041	Автоматлаш ва бошқарув; Телекоммуникациялар; Электроника ва микроэлектроника; Электрон воситалар технологияси ва уларни лойиҳалаш; Асбобсозлик; Метрология, стандартлаш ва сертификатлаш; Радиотехника; Информатика ва ахборот технологияси	Математика Физика Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х052	Нефть ва газ иши; Нефть ва газ конлари геологияси ва қидирув ишлари	Математика Физика Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х002	Физика; Астрономия; Физика ва астрономия; Касбий таълим;	Физика Математика Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х003	Кимёвий технология ва биотехнология; Металлургия; Материалшунослик ва янги материаллар технологияси; Пайвандлаб ишлов технологияси ва машиналари; Нефть ва нефтни қайта ишлаш технологияси; Силикат зўрғасуюлувчан материаллар технологияси; Синтетик ва табиий юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси; Камёб, нодир ва тарқоқ металлар технологияси; Ёғ ва мойлар технологияси; Қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологияси; Гўшт, сут, балиқ ва консерваланган маҳсулотлар технологияси; Дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси; Матбаачилик	Кимё Математика Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х057	Касбий- педагогик тайёргарлик (кимёвий технологиялар, озиқ-овқат маҳсулотлари саноати)	Кимё Математика Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х004	Кимё; Доришунослик (Фармация); Мева-сабзавотчилик ва узумчилик; Ўсимликларни ҳимоя қилиш; Ипакчилик; Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги ва селекцияси; Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, бирламчи қайта ишлаш ва сақлаш технологияси; Зоотехния; Қорақўлчилик;	Кимё Биология Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1

(Давоми 3-,4-,5-,6-,7-,бетларда)

(Боши 2-бетда)

	Ветеринария; Биокимё; Тайёр доривор маҳсулотлар ва фитопрепаратлар технологияси		
Х005	Биология; Экология ва табиатдан фойдаланиш; Доривор ўсимликларни парваришлаш технологияси ва экологияси;	Биология Кимё Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х006	География; Гидрометеорология	География Математика Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х007	Ўзбек филологияси; Ўзбек тили ва адабиёти	Ўзбек тили ва адабиёти Тарих Чет тили	3.1 2.1 1.1
Х107 (**)	Ўзбек филологияси; Ўзбек тили ва адабиёти	Ўзбек тили ва адабиёти Тарих	3.1 2.1
Х008	Ўзбек тили ва адабиёти (ўзга тилдаги мактабларда)	Ўзбек тили ва адабиёти Рус тили (иккинчи тил) Тарих	3.1 2.1 1.1
Х009	Славян филологияси; рус тили ва адабиёти	Рус тили ва адабиёти Тарих Чет тили	3.1 2.1 1.1
Х109 (**)	Славян филологияси; рус тили ва адабиёти	Рус тили ва адабиёти Тарих	3.1 2.1
Х010	Рус тили ва адабиёти (ўзбек тилидаги мактабларда)	Рус тили ва адабиёти Ўзбек тили (иккинчи тил) Тарих	3.1 2.1 1.1
Х011	Рус тили ва адабиёти (қорақалпоқ тилидаги мактабларда)	Рус тили ва адабиёти Қорақалпоқ тили (иккинчи тил) Тарих	3.1 2.1 1.1
Х012	Туркий тиллар филологияси (қорақалпоқ филологияси); Туркий тиллар ва адабиётлар (қорақалпоқ тили)	қорақалпоқ тили ва адабиёти Тарих Чет тили	3.1 2.1 1.1
Х112 (**)	Туркий тиллар филологияси (қорақалпоқ филологияси); Туркий тиллар ва адабиётлар (қорақалпоқ тили)	қорақалпоқ тили ва адабиёти Тарих	3.1 2.1
Х013	Қорақалпоқ тили ва адабиёти (ўзга тилдаги мактабларда)	Қорақалпоқ тили ва адабиёти Рус тили (иккинчи тил) Тарих	3.1 2.1 1.1
Х014	Чет мамлакатлар тарихи (шарқшунослик)	Чет тили Тарих Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х114 (**)	Чет мамлакатлар тарихи (шарқшунослик)	Тарих Она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х017	Минтақашунослик (Европа, АҚШ, Канада, Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатлари иқтисоди)	Чет тили Математика Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х117 (**)	Минтақашунослик (Европа, АҚШ, Канада, Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатлари иқтисоди)	Математика Она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х034	Минтақашунослик (Узоқ Шарқ, Жанубий ва Жанубий- шарқий Осиё мамлакатлари ва Тинч Океани минтақаси давлатлари иқтисоди)	Чет тили Математика Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х134 (**)	Минтақашунослик (Узоқ Шарқ, Жанубий ва Жанубий- шарқий Осиё мамлакатлари ва Тинч Океани минтақаси давлатлари иқтисоди)	Математика Она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х030	Шарқ филологияси (япон, корейс, хитой ва бошқа тиллар); Шарқ тиллари ва адабиётлари; Таржимон (тиллар бўйича)	Чет тили Она тили ва адабиёти Тарих	3.1 2.1 1.1
Х130 (**)	Шарқ филологияси (япон, корейс, хитой ва бошқа тиллар); Шарқ тиллари ва адабиётлари; Таржимон (тиллар бўйича)	Она тили ва адабиёти Тарих	2.1 1.1
Х044	Шарқ филологияси (араб, турк, ҳинд ва бошқа тиллар)	Чет тили Она тили ва адабиёти Тарих	3.1 2.1 1.1
Х144 (**)	Шарқ филологияси (араб, турк, ҳинд ва бошқа тиллар)	Она тили ва адабиёти Тарих	2.1 1.1
Х036	Марказий Осиё халқлари тарихи ва манбаашунослик	Тарих Чет тили Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х136 (**)	Марказий Осиё халқлари тарихи ва манбашунослик	Тарих Она тили ва адабиёти	3.1 1.1
Х015	Фалсафа; Жаҳон фалсафаси тарихи ва мантиқ; Сиёсатшунослик; Психология; Ижтимоий хизмат; Социология; Кутубхонашунослик ва библиография;	Тарих Она тили ва адабиёти Чет тили	3.1 2.1 1.1
Х115 (**)	Фалсафа; Жаҳон фалсафаси тарихи ва мантиқ; Сиёсатшунослик; Психология; Ижтимоий хизмат; Социология; Кутубхонашунослик ва библиография;	Тарих Она тили ва адабиёти	3.1 2.1
Х033	Тарих; Тарих, давлатчилик ва ҳуқуқ асослари; Археология	Тарих Она тили ва адабиёти Чет тили	3.1 2.1 1.1
Х133 (**)	Тарих; Тарих, давлатчилик ва ҳуқуқ асослари; Археология	Тарих Она тили ва адабиёти	3.1 2.1
Х016	Иқтисодиёт; Маркетинг; Иқтисодда ахборот тизимлари; Статистика; Менежмент	Математика Чет тили Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х116 (**)	Иқтисодиёт; Маркетинг; Иқтисодда ахборот тизимлари; Статистика; Менежмент	Математика Она тили ва адабиёти	3.1 1.1
Х018	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш;	Она тили ва адабиёти Математика Тарих	3.1 2.1 1.1
Х021	Бошланғич таълим ва чет тили; Халқаро журналистика	Она тили ва адабиёти Чет тили Тарих	3.1 2.1 1.1
Х121 (**)	Бошланғич таълим ва чет тили; Халқаро журналистика	Она тили ва адабиёти Тарих	3.1 1.1
Х019	Педагогика ва психология; Мактабгача ва оилавий таълим; Дефектология	Биология Она тили ва адабиёти Тарих	3.1 2.1 1.1
Х020	Молия; Лойиҳавий молиялаш; Математика	3.1	
	Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси	Чет тили Она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х120 (**)	Молия; Лойиҳавий молиялаш; Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси	Математика Она тили ва адабиёти	3.1 1.1
Х048	Банк иши; Бухгалтерия ҳисоби ва аудит; Бизнесни бошқариш	Математика Чет тили Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х148 (**)	Банк иши; Бухгалтерия ҳисоби ва аудит; Бизнесни бошқариш	Математика Она тили ва адабиёти	3.1 1.1
Х049	Солиқ ва солиқ солиш; Суғурта иши; Божхона иши	Математика Чет тили Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х149 (**)	Солиқ ва солиқ солиш; Суғурта иши; Божхона иши	Математика Она тили ва адабиёти	3.1 1.1
Х022	Педиатрлик иши; Агрономия; Агрокимё ва агротупроқшунослик; Тупроқшунослик	Биология Кимё Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х023	Стоматология	Биология Кимё Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х024	Тиббиёт-профилактика иши	Кимё Биология Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х025	Роман – герман филологияси(инглиз тили); Чет тили (инглиз тили);	Инглиз тили Она тили ва адабиёти Тарих	3.1 2.1 1.1
Х026	Роман – герман филологияси(немис тили); Чет тили(немис тили);	Немис тили Она тили ва адабиёти Тарих	3.1 2.1 1.1
Х027	Роман – герман филологияси (француз тили); Чет тили (француз тили);	Француз тили Она тили ва адабиёти Тарих	3.1 2.1 1.1
Х028	Халқаро туризм; Сервис (туризм соҳаси)	Чет тили Математика Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х128 (**)	Халқаро туризм; Сервис (туризм соҳаси)	Математика Она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х029	ҳуқуқ*;	Тарих Она тили ва адабиёти Чет тили	3.1 2.1 1.1
Х129 (**)	ҳуқуқ*;	Тарих Она тили ва адабиёти	3.1 2.1
Х031	Даволаш иши	Биология Кимё Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х032	Журналистика	Она тили ва адабиёти Тарих Чет тили	3.1 2.1 1.1
Х132 (**)	Журналистика	Она тили ва адабиёти Тарих	3.1 2.1
Х035	Халқаро иқтисодий муносабатлар; Халқаро бизнес; Ташқи иқтисодий фаолият	Чет тили Математика Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х135 (**)	Халқаро иқтисодий муносабатлар; Халқаро бизнес; Ташқи иқтисодий фаолият	Математика Она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х037	Халқаро муносабатлар;	Чет тили Тарих Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х137 (**)	Халқаро муносабатлар;	Тарих Она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х038	Халқаро ҳуқуқий муносабатлар;	Тарих Чет тили Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х138 (**)	Халқаро ҳуқуқий муносабатлар;	Тарих Она тили ва адабиёти	3.1 1.1
Х039	Касбий- педагогик тайёргарлик (ижтимоий-иқтисодий соҳа)	Математика Чет тили Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х139 (**)	Касбий-педагогик тайёргарлик (ижтимоий-иқтисодий соҳа)	Математика Она тили ва адабиёти	3.1 1.1
Х042	Касбий-педагогик тайёргарлик (техника йўналишлари)	Математика Физика Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х045	Касбий- педагогик тайёргарлик (қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, тиббий педагогик иш)	Биология Кимё Она тили ва адабиёти	3.1 2.1 1.1
Х101 (**)	Испан филологияси (испан тили)	Она тили ва адабиёти Тарих	2.1 1.1

Изоҳ:

Инглиз, немис, француз - чет тилларидан тест синови топширилади.

(*) – таълим йўналиши кодидаги "Х" белгиси ўрнига ўқиш олиб бориладиган тегишли тилнинг рақами кўрсатилади:

умумий талаблар асосида ўқишга кирувчи абитуриентлар учун

1 – ўзбек тили
2 – рус тили
3 – қорақалпоқ тили

(**) - агар мактабда инглиз, немис ёки француз тилларидан бошқа чет тиллари ўқилган бўлса, чет тилидан кўп балли тизим бўйича имтиҳон топширилади. Турдош таълим йўналиши бўйича танлов (чизиқ билан ажратилмаган юқорида турувчи йўналиш) умумий ўтказилади.

2-ИЛОВА

Тест синовлари билан бир қаторда касбий (ижодий) имтиҳонлар (36*3.1=111,6 га тенг энг кўп баллнинг 0 дан 100% гача баҳоланувчи) ўтказиладиган таълим йўналишлари рўйхати

Код (*)	Таълим йўналишлари	Тест синови ўтказиладиган фанлар мажмуаси	Балл
Х150	Мусиқа таълими ва эстетик тарбия	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х151	Манзарали-амалий санъат ва халқ ҳунармандчилиги	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х152	Чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия	биология она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х153	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият	биология она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х156	Бокс	биология она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х155	Спорт ўйинлари (баскетбол, волейбол)	биология она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х158	Велосипед спорти	биология она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х159	Гимнастиканинг спорт турлари (акробатика, гимнастика, бадиий гимнастика, фристайл, фигурали учиш)	биология она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х160	Сув спорти турлари (сузиш, эшкак эшиш)	биология она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х161	Енгил атлетика	биология она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х162	Қўл тўпи	биология она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х163	Қиличбозлик	биология она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х164	Оғир атлетика	биология она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х166	Теннис	биология она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х167	Футбол	биология она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х170	Курашнинг спорт турлари (эркин кураш, юнон-римча кураш, дзюдо,самбо, шарқона яккакураш, миллий кураш турлари (бухоро қоидалари, фарғона қоидалари), турон яккакураши)	биология она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х177	Соғломлаштириш ва жисмоний маданиятни ташкил қилиш	биология она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х180	Архитектура	математика она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х182	Чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат	математика она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х185	Яккахон қўшиқчилик санъати	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х186	Дирижёрлик	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х187	Композиция	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х188	Санъатшунослик; Мусиқашунослик	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х255	Кино-телевизион санъат	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х191	Драматик йўналишдаги актёрлик санъати	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х238	Мусиқий-драматик йўналишдаги актёрлик санъати	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х190	Режиссёрлик	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х198	Халқ бадиий ижоди	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х184	Чолғу ижрочилиги (мусиқа чолғулари гуруҳлари турлари бўйича)	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х210	Скрипка	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х211	Альт	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х212	Виолончель	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х213	Контрабас	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х214	Флейта	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х215	Гобой	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х216	Кларнет	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х217	Фагот	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х218	Труба	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х219	Валторна	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х220	Тромбон	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х221	Туба	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х222	Зарбли чолғулар	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х223	Най, қўшнай	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х265	Арфа	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х224	Рубоб прима	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х225	Қашқар рубоби	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х226	Афғон рубоби	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х227	Дутор	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х228	Дутор-бас	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х229	Доира	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х230	Ғижжак	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х231	Ғижжак-альт	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х232	Ғижжак-бас	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х233	Ғижжак-контрабас	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х234	Чанг	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х235	Танбур	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х236	Анъанавий чолғу ижрочилиги	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х184	Академик хонандалик	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х237	Анъанавий хонандалик	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х252	Эстрада хонандалиги	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х189	Драма ва кино актёри	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х190	Драма режиссёрлиги	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х239	Қўғирчоқ театри актёри	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х244	Оммавий байрамлар режиссураси	Тарих она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х248	Фольклор-этнографик жамоалари раҳбари	Тарих она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х249	Гуруҳли куйлаш жамоаси раҳбари	Тарих она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х250	Халқ чолғу жамоалари раҳбари	Тарих она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х253	Эстрада чолғу ижрочилиги	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х254	Телевидение ва радио овоз режиссёри	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х255	Телевидение ва кино режиссёрлиги	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х259	Халқ ашула ва рақс ансамбли раҳбари	Тарих она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х261	Фортепьяно	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х254	Мусиқий овоз режиссёрлиги	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х257	Хореография санъати	Тарих она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х179	Дизайн	Математика она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х188	Тасвирий санъат назарияси ва тарихи	Она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х192	Ҳайкалтарошлик	Она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х195	Музей иши ва ёдгорликларни сақлаш	Тарих она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х240	Маҳобатли рангтасвир	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х241	Театр безак рангтасвир	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х258	Дастгоҳли рангтасвир	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х193	Графика	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х243	Амалий графика ва реклама	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х151	Бадиий кулолчилик	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х242	Меъморий ёдгорлик безакларини таъмирлаш	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х268	Тасвирий санъат асарларини таъмирлаш	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х270	Диншунослик. Исломшунослик	тарих она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х271	Ислом ҳуқуқи	тарих она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х274	Олий малакали ҳамшира (ўрта махсус тиббий маълумот негизида 3 йиллик таълим)	биология она тили ва адабиёти	2.1 1.1
Х275	Касбий педагогик тайёргарлик (санъат ва маданият)	она тили ва адабиёти тарих	2.1 1.1
Х276	Ижтимоий-маданий фаолият	тарих она тили ва адабиёти	2.1 1.1

Изоҳ:

(*) – таълим йўналиши кодидаги "Х" белгиси ўрнига ўқиш олиб бориладиган тегишли тилнинг рақами кўрсатилади:

умумий талаблар асосида ўқишга кирувчи абитуриентлар учун

1 - ўзбек тили
2 - рус тили
3 - қорақалпоқ тили

3-ИЛОВА

Кўп балли тизим бўйича касбий имтиҳонлар ҳамда тест синовлари асосида амалга оширилади ва ўқитиш қозоқ, тожик ва туркман тилларида олиб бориладиган таълим йўналишлари рўйхати

Код	Таълим йўналишлари	Касбий (ижодий) имтиҳон	Тест синовлари ўтказиладиган фанлар мажмуаси	Балл
Ўқитиш тожик тилида олиб борилади				
	Математика; Математика ва информатика	Математика Физика Тожик тили ва адабиёти		
	Физика	Физика Математика Тожик тили ва адабиёти		
